



ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1996 йил 24 январь, чоршанба • № 7 (10.782) • Эркин нархда сотилади.

МДХ: ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯ КЕНГАЙМОҚДА

Хабар қилингандек, 19 январь кун Москвада Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов ҳам иштирок этди.

Ҳамдўстлик давлатлари раҳбарларининг 19-учрашуви ҳақида сўзлашдан аввал МДХ тарихига нигоҳ ташлаш фойдадан ҳоли бўлмайди. Бу тарих 1991 йилнинг 8 декабрида Беларусь, Россия ва Украина давлатлари раҳбарларининг Беловежское Пушчеда тузган битимидан бошланади. Орадан кўп ўтмай, яъни ўша йилнинг 21 декабрида Арманистон, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Озарбойжон, Россия, Тожикистон, Туркменистон, Ўзбекистон ва Украина Алмати шаҳрида ушбу битим юзасидан протоколни имзолаб, «Тенг ҳуқуқли ва ахдлашаётган олий томонлар» мақомида МДХ муассиси бўлдилар. Кейинроқ, 1993 йил 9 декабрда бу мамлакатлар сафига Грузия кўшилди.

Оқорида қайд этилган таъсис ҳужжатлари айни пайтда 12 мамлакат томонидан ратификация қилинган. Умуман олганда, МДХнинг ҳуқуқий расмийлаштирилиши 1993 йил январида унинг низоми тузилиши билан якунланди. Бироқ бу низоми ҳали Туркменистон ва Украина томонидан ратификация қилинган йўқ. Шундай қилиб, айни пайтда ўн давлат МДХ аъзоси, Туркменистон ва Украина МДХ иштирокчилари бўлиб ҳисобланади.

МДХ доирасида шу даврга қадар 666 масалалар муҳокама этилди. Уларнинг қарийб ярми иқтисодий ва ижтимоий масалаларга бағишланган. Уларнинг учдан бир қисми эса ҳарбий-сиёсий, яна қарийб шунчаи ташкилий ва умумий масалалардир.

1993 йил 24 сентябрда иқтисодий иттифоқни тузиш ҳақидаги шартноманинг имзоланиши Ҳамдўстлик фаолиятининг муҳим натижаларидан бири бўлди. Айни пайтда ана шу шартноманинг амалга оширилиши кун тартибдаги муаммолардан бири бўлиб турибди. Божхона иттифоқи ва тўлов иттифоқини тузиш иқтисодий иттифоқни мустақамлашдаги муҳим амалий қадамлар ҳисобланади. Шу боис МДХ давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси кун тартибдаги асосий масалалардан бири божхона ва тўлов иттифоқини шакллантириш истиқболи билан боғлиқ бўлди.

Шуни қайд этиш лозимки, айни пайтда бу иттифоқни яратишнинг илк босқичи якунланди. Россия, Беларусь ва Қозоғистон божхона иттифоқини тузиш юзасидан имзоланган битимга биноан ўз давлатлари божхона қонунчилигини мувофиқлаштирдилар. Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон ҳам бу иттифоқни шаклланти-

ришда иштирок этиш юзасидан қатъият билдирмоқда. Бироқ шу ўринда Ўзбекистон бу масалага ўзига хос ёндашаётганини таъкидлаш жоиз. Хусусан, Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов мамлакатимиз божхона иттифоқига аъзо бўлиш бу мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқаларига салбий таъсир этмаслиги, чегаралар ҳар бир мустақил давлатнинг ўз армияси томонидан кўриқланиши, бу давлатлар ташқи иқтисодий фаолиятни ўзи мустақил амалга ошириши шартлигини таъкидлади. «Ўшандагина мамлакат мустақиллиги дахлсизлиги тўла таъминланади. Божхона иттифоқи эса ҳаракатларни мувофиқлаштириш, сунъий тўсиқларни олиб ташлаш асосида ривожланиши керак», деди жумладан юртбошимиз.

Ҳамдўстликка аъзо давлатлар раҳбарлари кенгаши мажлисида бу гал ўндан зиёд масала муҳокама қилинган таъкидлаш жоиз. Давлат раҳбарлари муҳокама қилган масалалар орасида ушбу кенгашнинг раисини сайлаш ҳам бор эди. Бу масала Ҳамдўстликнинг қанчалик самарали ишлаши билан боғлиқ бўлгани учун ҳам алоҳида эътиборга моликдир. Давлат раҳбарлари бу масалада яқдил фикр билдирдилар. Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин яна бир йил муддатга МДХ давлат раҳбарлари кенгаши раиси этиб сайланди.

Кенгашда муҳокама этилган масалаларнинг бир қанчаси мустақил давлатлар ҳудудида ихтилофларнинг олдини олиш ва бартараф этиш билан боғлиқдир. Давлатлар раҳбарлари бу мавзудаги концепцияни қувватладилар. Бу соҳадаги масалалар орасида МДХ коллектив тинчликни таъминлаш кучларининг Тожикистонда бўлиши ваколатларини узайтириш ҳам бор эди. Ўзбекистон раҳбари бу масалага ёндашувда Тожикистонда тезроқ тинчлик ва барқарорликка эришиш асос қилиб олиниши шартлигини таъкидлади. Хусусан, Ислам Каримов МДХ давлат раҳбарлари кенгаши мажлисидан бир кун аввал Кремлда Борис Ельцин билан учрашув чоғида ҳам Россия Президенти эътиборини шу масалага қаратди. Тожикистон ҳукумати муҳолиф томон билан БМТ, ЕХТ каби халқаро ташкилотлар синчилари иштирокида Тожикистондаги аҳвол ва унинг истиқболи масаласини муҳокама қилиб, бир қарорга келиши, шунингдек, мамлакат барча вилоятлари, сиёсий кучлари вакиллари иштирок этадиган Тожикистон халқлари конгрессини чақириш мақсадга мувофиқ. Унда мамлакат келажаги муҳокама қилиниб, анжуман хулосалари тинчликни қарор топтириш йўлида таъбиқ

этилиши лозим. Ана шу тақдирдагина МДХ тинчликни таъминлаш кучлари ваколатларини яна узайтириш тўғри бўлади. Бу — ягона миллат фарзанди бўлган икки муҳолиф томон вакиллари адоватларни унутиб, ўсиб келаётган, туғилажак авлод олдидаги бурчларини ҳис этган ҳолда бири-бирига ён бериши лозимлигини англатади. Ислам Каримов мансаб ва ҳукумат талашига аслида бир гўдак кўз ёшига арзimasлигини, ҳеч қандай сабаб инсонни ҳаётдан жудо этишни оқламаглигини яна бир қарра қайд этди. Кенгаш Ўзбекистон раҳбари фикрини қувватлади. Тожикистондаги МДХ тинчликни таъминлаш кучлари ваколати олти ойга узайтирилди. Мажлисида генерал-лейтенант В. Заварзин Тожикистондаги МДХ тинчликни таъминлаш коллектив кучларининг янги кўмондони этиб тайинланди.

Кенгашда Абхазиядаги ихтилофни бартараф этиш чоратадбирлари тўғрисидаги масалалар ҳам кўриб чиқилди. Бу масалани ҳал этишда ҳам юртбошимиз билдирган фикрлар асос бўлиб хизмат қилди. Ислам Каримовнинг масалага ёндашувда аввало Грузиянинг ҳудудий бутунлигини, Абхазиянинг бу мамлакат таркибига киришини эътироф этиш зарурлиги, барча кўмаклар Грузия ҳукумати орқали амалга оширилиши кераклиги борасидаги таклифлари шулар жумласидандир.

МДХ давлат раҳбарларининг 19-учрашувида Ҳамдўстликка аъзо мамлакатлар маданият арбобларининг конгрессини ўтказиш масаласи ҳам муҳокама этилди. Шуниси қувончлики, бу масалада барча давлатлар раҳбарлари яқдиллик билдирдилар. Бу янги мустақил давлатлар тарихан шакланган маданий алоқаларимизни янада ривожлантириш тарафдори эканини кўрсатади.

МДХ давлат раҳбарлари кенгашида, шунингдек, мустақил давлатларнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини кенгайтириш билан боғлиқ бошқа масалалар ҳам муҳокама этилди. Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли ҳужжатлар қабул қилинди.

— Биз муҳокама қилинган масалаларга мамлакатимиз манфаати нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда ёндашдик, — деди Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов журналистлар билан суҳбатда. — Мен ушбу учрашув натижаларидан мамнунман. Чунки биз имзоланган ҳужжатлар тарихан шакланган иқтисодий ва маданий алоқаларимизнинг мустақамланишига, халқимиз учун муносиб турмуш шароитлари яратишга хизмат қилади.

Амирқул КАРИМ,
ЎЗА махсус мухбири.
Тошкент — Москва — Тошкент.


ВИЛОЯТ ҲАЁТИ: воқеалар, хабарлар, янгиликлар ЛИЦЕЙДА ЯНГИ КОМПЬЮТЕР ВА ОШХОНА

ТОШКЕНТ ТУМАНИ. Ватанимизнинг мустақиллик шарафати ва бозор муносабатларига утилиши халқ таълими тизимига ҳам қатор узғариш ва янгиликлар олиб кирмоқда. Натижада ёшларга билим бериш ва ҳунар ўргатишда мукаммаллик сари қадам ташланаётир.

СОБИҚ 10-ҳунар-техника билим юртининг лицейга айлантирилганига эндигина бир неча ой бўлди, холос. Шунга қарамай, лицейни талаблар даражасидаги илм масканига айлантириш борасида талайгина кўзга кўринарли ишлар қилинди. Жумладан, туманда биринчилардан бўлиб битта синф хонаси Жанубий Қурия республикасида келтирилган компьютерлар билан жиҳозланди. Энди ўқувчилар компьютерда ишлаш сирларини пухта ўрганиш имконияти-

га эга бўлдилар. Шунингдек, лицейда янги ошхона қурилиб фойдаланишга топширилди. Бу шинам ошхонада бир вақтнинг ўзида 300 нафар киши овқатланиши мумкин. Шуниси диққатга сазоворки, ошхона энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган. Бундан ташқари лицейга келадиган водопровод суви шаҳар сув тармоғига уланди. Эндиликда сув таъминотида узилишлар бўлмайди.

Ҳикматилла МАҲКАМОВ.



«ЎЗБЕКИСТОН металлургия комбинати» ҳиссадорлик ишлаб чиқариш бирлашмасида айрим цехларни қайта ускуналаш, уларнинг қувватини ошириш бўйича ишлар кенг кўламда олиб борилмоқда. Бу тадбирлар ишлаб чиқаришни тўхтатмасдан амалга ошириляпти. Ушбу су-ратда корхонанинг илғор операторларидан Илҳом Турсуновни кўриб турибсиз.

Леонид ГУСЕЙНОВ олган сурат.

СУВ КЕЛТИРГАН АЗИЗ

Элимизда сув келтирган азииз, ибораси бор. Бу бежиз эмас, албатта. Айниқса ишбилармон ва саховатли кишиларнинг савб-ҳаракатлари тўғрисида халқимиз қўлайликларга эга бўлмоқда.

ТОШКЕНТ туманидаги Масалбой қишлоғи «Ўзбекистон» маҳалласида яшовчи Баҳодир Аҳмедов ҳам ана шундай саховатли инсонлардан. У маҳалла аҳлининг қишда ҳам, ёзда ҳам кўчама-кўча сув ташиб юришларига барҳам беришга

аҳд қилди. Унинг шахсий жамгармаси ҳисобидан маҳаллада 100 метр чуқурликдан сув чиқарилди. Мутахассисларнинг таҳлилларига кўра сув ичишга яроқли деб топилди.

Маҳмуд ҲИКМАТОВ.

Хотин-қизлар бизнеси — давр талаби

ТАДБИРКОРЛИК ҲАМ АЁЛЛАРСИЗ БЎЛМАЙДИ

Аввал хабар берганимиздек — Тошкент вилояти ҳокимлигида «Аёл ва бизнес» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлди. Вилоятдаги кичик корхоналарнинг тадбиркорлари бу кунга пухта тайёргарлик қўриб, ҳокимликда турли хил маҳсулотларнинг кўргазмасини ташкил этдилар.

Аёллар меҳнати билан ишлаб чиқариш маҳсулотлар анжуман иштирокчиларида яхши таассурот қолдирди. Янгийўл туманидаги «Маҳсад» давлат корхонаси, Тошкент туманидаги «Маъмура» хусусий корхонаси, Юқоричирчиқ туманидаги кўп тармоқли «Бахт ЛТД» фирмаси, Қибрайдаги «Кўҳинур» хусусий корхонаси ва бошқа бир қатор кичик хусусий корхона ва ташкилотлар маҳсулотлари билан кўргазмада қатнашди.

Анжуманни вилоят ҳокимининг муовини, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси С. Хўжаева очар экан, хусусий корхоналарда тайёрланаётган маҳсулотлар Ўзбекистон иқтисодиёти ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилаётганини таъкидлади.

— Кўпгина йирик ташкилотлар ва корхоналарда кейинги йилларда раҳбарлик лавозимлари ва етакчи мутахассисликларни хотин-қизлар эгаллаб туришибди, — деди у. — Улар кичик бизнес соҳасида ҳам етакчилик қилмоқдалар. Агар уларга раҳбарлик лавозимларида ишлашлари учун янада кенг йўл очиб берилса кичик бизнес янгидан-янги ютуқларга эришиши тайин.

— Бугунги кунда вилоятда 2300 та кичик корхона фаолият кўрсатяпти, — деди вилоят тадбиркор аёллар уюшмасининг раиси Л. Акбарова. — Уларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот вилоятда тайёрланаётган жами маҳсулотларнинг 10 фоиз қисмини ташкил этади. Кичик бизнес соҳасида ишлаётган аёлларнинг 60 фоиз қисми олий маълумотли мутахассислардир. 41 фоиз аёлларгина ишлаб чиқаришнинг турли тармоқларида ишга жалб қилинганлар. Уларнинг аксарият қисми қишлоқларда яшайдилар ва шу ерда меҳнат қилмоқдалар. Бу шундан далolat берадики, шаҳарлик хотин-қизларни ҳам тадбиркорликка кенг жалб қилиш зарур. Вилоятда бизнес мактаблари ташкил этилган, ахборот хизмати йўлга қўйилган. «Бизнес жамғармаси» ишлаб турипти. Бироқ, шунга қарамай жойларда хотин-қизлар муам-

моларига ўз нуқтаи назарларидан келиб чиқиб ёндошмоқдалар. Хусусий тадбиркорликда муаммолар бўлиши табиий, албатта. Баъзи кишиларда уларни ҳал этиш учун чидам ва имконият етишмайди. Шу сабабли орадан бирор йил ўтар-ўтмай баъзи фирмалар мулкчилик шаклини ёки бошлигини ўзгартиришга мажбур бўлмоқдалар. Бунинг учун янги корхоналарга яқиндан ёрдам бериш лозим. Л. Акбарова «Бизнес-режа» тузиш, шериклар излаб топши, бинолар ажратиш ва таъминот бозорини шакллантиришдан иборат ана шундай ёрдам жуда ҳам зарур эканлигини таъкидлади.

Вилоят солиқ бошқармасининг бошлиғи Р. Усмонов ўз сўзида вилоятдаги кичик ва ўрта бизнес корхоналари ташкил топган дастлабки даврдаёқ фойдаланаётган муайян солиқ имтиёзлари ҳақида муфассал тўхталди. — Тадбиркорлар ўз бизнесларини ривожлантиришни четта маҳсулот чиқариш билан боғлашади. Кўпгина корхоналар жамловчи материаллар ва технологияни чет элдан келтиришади. Аммо ҳар иккала ҳолда ҳам боғжона хизмати билан ҳисоблашишга тўғри келади. Боғжона қонунчилиги унчалик қаттиқ эмас. Агар тадбиркор қонунларни яхши билса, боғжона улар учун ҳеч қачон тўғаноқ бўлмайди. Республика боғжона хизмати мавоза операциялари қонунийлиги устидан назорат қилиш бўлимидан бошлиғи, А. Абдусаматов ўз сўзида ана шуларни қайд этди.

Республика «Бизнес-жамғармаси» бошқарувининг раиси А. Юсупов ишни бошлаб юбориш учун пул олиш ва ундан самарали фойдаланиш йўллари ҳақида

тўхталди. Айниқса, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш мактабининг бош директори, иқтисод фанлари доктори У. Қудратовнинг нутқи тадбиркорларда алоҳида қизиқиш уйғотди. У бошловчи тадбиркорларнинг малакасини қаерда ва қандай ошириш ҳақида маслаҳат берди. Марказий банкнинг вилоят бўлими бошқарувчиси Н. Солиев банк операциялари ҳақида ахборотлар билан чиқди. «Мадад» сугурта жамғармаси бошқаруви раисининг ўринбосари Р. Иноғомов «Мадад» тадбиркорларга қандай ёрдам кўрсатаётганини сўзлаб берди.

Анжуман қатнашчилари Қозоғистонлик тадбиркор, «Қиз-Жибек» фирмасининг президенти Ж. Жангабилованинг сўзини алоҳида эътибор билан тингладилар. У Қозоғистонда тадбиркор хотин-қизлар фаолияти ҳақида гапираркан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукуматининг республикада кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ва айниқса бу соҳада хотин-қизларга кўрсатаётган катта ёрдам бошқа МДХдаги давлатларга намуна бўлишини таъкидлади. Бу шахсан мамлакатингиз Президенти И. А. Каримов кўрсатаётган ғамхўрлик натижасидир», деди у.

— Фақат Қозоғистонликларгина эмас, балки халқаро ҳамжамиятнинг вакиллари ҳам Ўзбекистонлик тадбиркор хотин-қизлар ишига ижобий баҳо бермоқдалар. Чунончи, Ўзбекистонда БМТ ваколатхонасининг хотин-қизлар масалалари бўйича миллий маслаҳатчиси М. Эргашева яқинда Пекинда бўлиб ўтган халқаро хо-

тин-қизлар конференциясида мамлакатимиз вакиллари мустақил давлатимизни янада ривожлантиришда хотин-қизлар ўрни ва иштироки ҳақидаги ҳикоясини зўр қизиқиш билан тингланликларини сўзлаб берди. У тадбиркор хотин-қизлар халқаро ташкилотларининг, шу жумладан, компьютер маълумот базалари имкониятларидан кенг кўламда фойдаланишлари мумкин эканлигини таъкидлади. Халқаро кредитлар, грант ва бошқа инвестицияларни олиш имкониятлари вужудга келаётганини айтди.

Республика «Тадбиркор аёл» уюшмасининг раиси Д. Алимбекова уюшма фаолияти ҳақида гапириб, тадбиркор хотин-қизлар учун ибрат бўладиган мисоллар келтирди.

«Аёл ва бизнес» илмий-амалий конференцияси вилоятда хо-

тин-қизлар бизнесини янада ривожлантириш ишига жиддий таъсир кўрсатади. Маърузачи ва нотикларнинг нутқлари алоҳида қизиқиш билан тинглангани, анжуман тугагандан сўнг тадбиркор аёллар ўртасида мароқли баҳслар ва тажриба алмашувлар бўлгани бундан далolatдир. Илмий-амалий конференция қатнашчилари бошловчи бизнесчилар учун гоят фойдали эканлиги сабабли бундай тадбирни тез-тез ўтказиб туриш зарур эканлигини айтдилар.

Биз Зангиота туманидаги «Ўртаовул ўзтёкс» ўзбек-турк қўшма корхонаси директори Г. Маҳмудова билан суҳбатлашганимизда у ҳам ана шу истакни билдирди.

— Янги ишлаб чиқаришни қандай йўлга қўйиш, янги моделни қандай тайёрлаш ва корхона фойдасини қандай қилиб изчил ошириш бориш мумкинлигини шу ерда билиб олдим, — деди у.

Ўз мухбиримиз.



СУРАТЛАРДА: конференция пайти; Бу бири-биридан чиройли истеъмол моллари хотин-қизларимиз қўли билан яратилган. В. ГРАНИН олган суратлар.

Ижтимоий муҳофаза

ДОИМ ЭЪТИБОРНИ ТАЛАБ ҚИЛАДИ

Бозор иқтисодиётига ўтилаётган ҳозирги шароитда ишчи-хизматчиларни ижтимоий муҳофаза қилиш долзарб масала бўлиб турипти. Республикаимиз Президенти ўз маърузалари ва нутқларида бу муаммага эътиборни қаратмоқдалар ва фуқаролар ҳаёти фаровонлигини оширишга ёрдам берувчи барча имкониятлар, амалларни ишга солиш лозимлигини, ҳозирги вақтда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг шунга хизмат қилишига эришиш учун йўналтирилишини қайд қилмоқдалар.

Шуни очик эътироф этиш керакки, ҳозирги шароитда бу анча мураккаб ва мушкул бўлиб турипти. Лекин, қаловини топсанг қор ҳам ёнади деганларидек, бунинг учун тинмай изланиш, имконият қидириш керак. Шундай қилинса топилади. Бизнинг корхонамизда ҳам жамоани ижтимоий муҳофаза қилишга эътибор тобора кучаймоқда. Корхона маъмурияти билан жамоа ўртасида ҳар йили тузиладиган шартномадан ҳам шу йўлда фойдаланилмоқда.

Шу мақсадда бундай шартнома тузишга, аввало, унда ишчи-

хизматчиларни ижтимоий муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган моддаларнинг етарли бўлишига алоҳида эътибор берилмоқда. Шартномалар лойиҳалари жамоа аъзолари ўртасида кенг муҳокама қилинади, уларнинг ҳар бири ўз фикр-мулоҳазалари ва таклифларини бемалол тақдим этадилар. Улар батафсил ўрганилади ва лозим деб топилганлари жамоа шартномасида қайд қилинади. Шундан кейин умумжамоа йиғилишида моддама-модда муҳокама қилиниб, қабул этилган шартнома ҳар биримиз учун, эгаллаб турган лавозимимиздан қатъий назар, қонун каби

кучга эга бўлади.

Ўтган йил учун тузилган жамоа шартномасида жамоани ижтимоий муҳофаза қилишга қаратилган тадбирлар катта бобни ташкил этди. Шу асосда муайян ишлар қилинди. Уларнинг ҳаммаси ҳақида эмас, балки айрим муҳимлари ва уларни амалга ошириш тажрибаси ҳақида қисман тўхтаб ўтиш мумкин.

Аввало шуни айтиб ўтиш керакки, ҳозирги вақтда ишчи-хизматчиларнинг ягона даромад манбаи бўлган маош миқдорини ошириб бориш зарур бўлмоқда. Биз шуни ҳисобга олиб уни муттасил кўпайтириб бораёلمиз. Ўтган йил охирига келиб ҳар бир ишчи-хизматчининг ўртача ойлик иш ҳақи 1537 сўмга етди.

Ишлаб чиқаришдан олинadиган фойда кўпайиши билан пахта тозаловчиларнинг турмуш ва меҳнат шароитларини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш кўлами кенгайиб бормоқда. Биргина тиббий хизматни олиб кўрайлик. Корхонамизда фельдшерлик пункти ишлаб турипти. Ишчи-хизматчиларнинг ҳаммаси вақти-вақти билан тиббий

кўриқдан ўтказилади. Агар уларни даволаш зарур бўлса, тегишли шифохоналарга ётқизилади ва бунинг учун барча харажатларни корхона ўз маблағи ҳисобидан тўлайди. Ёзги ва кишики ошхона, новвойхоналар ҳам пахта тозаловчилар хизматида. Улар ўз маҳсулотларини ишчи-хизматчиларга арзон нархларда сотадилар. Жамоа шартномасига мувофиқ овқатланиш учун кетган харажатларнинг 50 фоизини бевосита корхона маъмурияти ўз ҳисобидан тўлайди.

Худди шу шартномага мувофиқ йил давомида ишчиларга меҳнат таътилига кунлар қўшиб берилмоқда. Уларга махсус иш кийимлари, пойабзаллар, шахсий ҳимоя қилиш жиҳозлари олиб бериш учун 230 минг сўм маблаг сарфланди.

Маъмурият ва касаба уюшмаси қўмитаси ишчи-хизматчиларни турли хил озиқ-овқат маҳсулотлари билан ҳам таъминламоқдалар. Бундай маҳсулотлар — пахта ёғи, совун ва маргарин пахта тозаловчиларга бепул берилмоқда. Унинг ҳақи олинган соф фойда ҳисобидан тўланади.

Ишчи-хизматчилар ўз фарзандла-

рининг болалар боғчасида тарбияланиши учун ҳам умуман пул тўламайдилар. Турли хил байрамлар муносабати билан ишчи-хизматчиларга берилаётган мукофотлар, шундай айёмларни ўтказиш учун харажатлар ҳам олинган фойда ҳисобидан ажратилмоқда. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Лекин бундан кўнглимиз тўлаётгани йўқ. Чунки ижтимоий муҳофаза янада кучайтириш давр тақозоси бўлиб қолди. Шунинг учун янги йилда бу йўналишдаги ишлар кўламини янада кенгайтиришга қаратилган режаларни амалга ошириш назарда тутилмоқда. Умуман корхонамизда бу муҳим муаммо доим раҳбарлик эътиборида бўлиб келмоқда. Ҳўжаликни бошқаришнинг биз амал қилаётган ҳиссадорлик жамияти ҳам, шубҳасиз, шунга ёрдам беради.

Т. КОСТИЦИНА, очик турдаги «Бектемир пахта тозалаш заводи» ҳиссадорлик жамияти ходими.



СОФ ҲАВО, ТИНИҚ СУВ, ТОЗА ТУПРОҚ УЧУН!

ТАБИАТ ВА ИНСОН

ЕРИМИЗНИ, СУВИМИЗНИ, ОНА ТАБИАТИМИЗНИ АСРАШ — ҲАР БИРИМИЗНИНГ МУҚАДДАС БУРЧИМИЗ

Тошкент вилояти ҳокими Э. М. РЎЗИЕВ билан суҳбат

ВИЛОЯТИМИЗ ҳудудида республика кимё ва металлургия sanoати, қурилиш индустрияси, иссиқлик электр станцияси корхоналарининг ярмидан кўпроги жойлашган. Бу маъмурий раҳбарликдан табиатни муҳофаза қилиш муаммоларига синчковлик билан муносабатда бўлишни ҳамда экологик дастурни амалга оширишда фаол қатнашишни талаб этади. Шунинг учун ҳам жамоатчи мухбиримиз вилоят ҳокими Э. М. Рўзиевга мурожаат этиб, ундан жамоатчиликни қизиқтираётган қатор саволларга жавоб беришни илтимос қилди.

Мухбир: — Эркин Махмудович, республика «Мустақиллик, экология ва халқ саломатлиги» кўрик-танловида Тошкент вилояти ғолиб деб топилди. Ушундан бери бир йил ўтди. Қилинган ишларни яқунлаш вақти келди. Сиз табиатни муҳофаза қилиш ишига қандай баҳо берасиз?

Э. М. РЎЗИЕВ: — Республикаимиз Президентини Ислам Абдуганиевич Каримовнинг Будапештдаги халқаро учрашувда экология аллақачонлар минтақавий муаммо бўлиб қолмасдан, умумсаёра аҳамиятига эга бўлиб қолди, деди. Биз остонасида яшаётган янги минг йилликни қандай кутиб олишимиз кўп жиҳатдан ҳар биримизнинг ва бутун жамиятнинг табиат бойлиқларини сақлаш ва кўпайтиришдаги куч-ғайратимизга боғлиқ!

Вилоятимизда экологик аҳволнинг яхшилангани бутун минтақада сезилади. Шунинг учун ҳам вилоятимизнинг ҳар бир фуқароси сув ва ернинг, ўсимликлар ва ҳавонинг, жониворлар ва паррандаларнинг ҳақиқий дўсти бўлиши лозим. Шу муносабат билан бир қатор муаммоларни ечишимизга тўғри келади. Уларнинг энг муҳимлари — sanoат корхоналарининг газ тозалаш иншоотлари ишнинг назорат қилиш, қишлоқ хўжалигида сувдан оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқаришнинг оқова сувларини тозалаш ва даволаш-тиббийет муассасалари, sanoат ва рўзгор чиқиндиларидан фойдаланиш, бузилган ерларни қайта тиклаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда экологик соф усулларни бундан буюн ҳам жорий этиш, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини сақлаш ва кўпайтиришдир.

Айниқса бунда атмосфера муҳофазаси муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги вақтда атмосферага чиқарилаётган ифлос моддаларнинг жами ҳажми йилига салкам 300 минг тонна ташкил этмоқда. Бундан ташқари, автомобиль транспорти 150 минг тоннадан ортиқ зарарли моддаларни ҳавога тарқатапти. Сўнгги икки йил ичида мутахассис экологлар 1600 та sanoат, автотранспорт ва қишлоқ хўжалик корхоналарида 1200 дан ортиқ текширув ўтказдилар, 3500 тавсия берилди, табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигини бузганлиги учун 335 нафар мансабдор шахс жарима тўлади, агрегатлар, цехлар, корхоналар ишнинг тўхтатиш тўғрисида 56 та қарор чиқарилди. Бўстонлик туманидаги «Бинокор» кичик корхонасининг гишт цехи, Бекобод нон заводининг қоғларни қоқиш қурилмаси, Бекободдаги «Металлист» заводи ёғочсозлик цехининг силликланган линияси, Бекободдаги «Таянч» кичик корхонасининг асфальт қориштириш агрегати, Бекобод шаҳар маиший хизмат кўрсатиш комбинатининг пахта титиш ва шоли оқлаш це-

хи тўхтатилди ва беркитилди. Экологлар «Оҳангаронцемент» ишлаб чиқариш бирлашмасининг биринчи ва иккинчи айланувчи печларини, Олмалик кон-металлургия комбинати рух заводининг куйдириш печи, Янгибозор йўл бошқармасининг асфальт-бетон цехини турли муддатларга тўхтатиб қўйдилар.

Корхоналарда 32 та газ тозалаш қурилмаси соз холатга келтирилди, 42 таси такомиллаштирилди ва 13 та янги қурилмалар фойдаланишга топширилди.

Таҳлил шуни кўрсатдики, 1995 йилда зарарли моддаларни атмосферага чиқариш деярли 12 минг тоннага камайди. Ангрэн, Бекобод, Чирчиқда чанглардан, Бекободда фторли водород, Ангрэн ва Чирчиқда фенол ҳамда аммиак билан атмосфераининг ифлосланиш даражаси сезиларли камайди.

Бироқ, бизда қатор фойдаланилмаётган имкониятлар ҳам бор. Олмалик кон-металлургия комбинатида иккинчи кислород-машъала ёрдамида эритиш қурилмасининг қурилиши шулар жумласидандир. У ҳар йили зарарли моддаларни ҳавога чиқаришни 65,7 минг тоннага камайтиради ва бу билан Олмалик ҳамда Оҳангарон ҳудудларида атроф муҳитни анча соғломлаштиради. Ҳозирча эса зарур асбоб-ускуналар ва металл етишмаётганлиги оқибатида ишларни бажариш 1996 йилга қолдирилди. Бу йил бу ишни охирига етказиш учун барча куч-ғайратни сарфлаш лозим.

Ангрэн ГРЭСини, «Сантехлит» заводининг қуюв ишлаб чиқаришнинг қайта қуриш ва техник жиҳатдан қайта ускуналаш, «Капролактан» қўшма корхонасини ва қатор бошқа объектларни қайта қуриш муддатлари бир неча йилдан бери орқага сурилмоқда.

Бунинг сабабларидан бири чанг ва газни тозалаш асбоб-ускуналарини тайёрлаш ҳамда табиатни муҳофаза қилиш объектлари қурилиши бўйича ихтисослашган бўлинмаларнинг йўқлигидир. Бу муҳим масала республиканинг бошқа вилоятларида ҳам ҳал этилмаганлигини биламан. Шундай ихтисослашган бўлинмани тузишда бизга Республика ҳукумати ва Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси амалий ёрдам беришини истар эдик.

Асбоб-ускуналарнинг йўқлиги оқибатида автотранспорт воситаларини газ ёқилгисига ўтказиш ниҳоятда суғ бормоқда. Ангрэн, Олмалик, Чирчиқ шаҳарларидаги газ тўлдириш станциялари тўла қувват билан фойдаланилмаёпти. Биз бу масалани ҳал қилишда ҳам республика идораларининг ёрдамига муҳтожмиз.

МУХБИР: — Сув ресурсларидан қандай фойдаланилмоқда? Айрим раҳбарлар сув бу ҳаёт эканлигини эсдан чиқариб қўймаётдиларми?

Э. М. РЎЗИЕВ: — Ҳозирги кунда салкам 1500 та корхона, шу жумладан 200 та қишлоқ

хўжалик объекти сувдан фойдаланиш бўйича назорат остига олинган. Вилоят ҳудудида 90 та корхона оқаваларни сув омборларига оқизмоқда. Уларнинг 30 таси анча хавфли ифлослар билан булганган.

Чирчиқ, Оҳангарон, Далварзин дарё ҳавзаларининг ерости сувлари аҳолини хўжалик — ичимлик сув билан таъминлашнинг асосий манбалари ҳисобланади. Бошқа шундай ҳавзалар, жумладан, Пискент тоғ ёни ҳамда Кўкорол ҳавзаларида сув захиралари чекланган.

Экологлар «Лубсанотсотиш», «Ўзларрандасаноат», «Ўзгўштсусаноати», вилоят деҳқончилик-саноат уюшмаси ишлаб чиқариш бирлашмалари ташкилотларида сувдан фойдаланиш қонунчилигининг бажарилишини ўргандилар ҳамда объектларда экологик аҳволни яхшилаш учун аниқ чоралар белгиладилар.

Ўтган йили сув кам бўлишига қарамай вилоятимизда сувнинг сифати меёрдаги даражада бўлди. Қишлоқ жойларида, қишлоқ хўжалигида сувдан оқилона фойдаланиш масаласи узоқ вақтгача ҳал қилинмасдан қолди. Бироқ 1993 йилдан бошлаб республика Вазирлар Маҳкамасининг «Сувдан фойдаланишни лимитлаштириш тўғрисида»ги қарорини бажариш бўйича қатъий иш бормоқда. Ҳозирги вақтда вилоят хўжалиқларининг 80 фоизи сувдан фойдаланиш меёрларини ишлаб чиқдилар ва рухсатга эгадилар.

Бироқ, вилоятда сув ресурсларидан фойдаланишдаги аҳволни ҳали кўнгилдагидек деб бўлмайти. Сўнгги вақтларда шаҳарчалар ва туман марказларида тозалаш иншоотларини қуриш ва қайта қуриш бўйича ишларнинг деярли олиб борилмаётганлиги ташвиш туғдирмоқда. Барча даволаш муассасаларида мураккаб экологик аҳвол таркиб топган. Бу оқова сувларни тозалаш ва даволаш чиқиндиларидан фойдаланиш билан боғлиқ. Тошкент вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси Оққўрғон туманининг Авангард шаҳарчасидаги вилоят силга қарши кураш диспансери учун тозалаш иншоотлари, Бекобод ахлатни қайта ишловчи заводи қурилиши учун маблағлар ажратди. Биз жамғарма маблағлари кўпайган сари бу муҳим ишларга маблағ ажратиш давом эттирилади, деб ишонамиз. Бироқ, айни вақтда жойларда табиатни муҳофаза қилиш кимларга боғлиқ. Шуни эслатиб ўтмоқчиман. «Ким истаса маблағ топади, ким истамаса сабаб қидиради». Бу биринчи навбатда Чиноз ва Янгийўл туманлари ҳокимларига тегишлидир. Чунки бу туманларда ёз даврида эпидемик касалликлар тарқалиши хавфи туғилди.

Вилоятнинг 5 та чорвачилик мажмуасида ва 11 та паррандачилик фабрикаларида мураккаб экологик аҳвол таркиб топган. Урта ҳисобда ҳар куни 60 тоннагача қуюқ чиқиндилар тўпланмоқда. У асосан тўлдиргичларга келиб тушади ва шу ерда қурилади. Бироқ уларни қишлоқ хўжалиги экинларига ўғит сифатида солиш билан лозим даражада ҳеч ким шугулланмаёпти. Оқибатда қўшимча ер майдонлари банд бўлмоқда, ер ости сувлари интенсив ифлосланипти. Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ходимлари бундай раҳбарларга нисбатан талабчанликни кучайтиришлари лозим.

Чирчиқ «Водоканал» ходимлари шаънига, айниқса, эътирозимиз катта. Улар тозалаш иншоотларини кенгайтиришни ниҳоятда суғ олиб

бормоқдалар. Бу фақат Чирчиқда эмас, шунингдек Бўстонлик минтақасида уй-жой қурилишини кенгайтириш, касалхоналар мажмуасини тиклашга тўсқинлик қилмоқда.

Маълумки, Бўстонлик туманида болаларнинг ёзги соғломлаштириш оромгоҳлари жойлашган. Бу тошкентликлар учун асосий дам олиш минтақасидир. Бироқ, тумanning тиббийет соғломлаштириш муассасалари ҳозирги вақтгача марказлашган канализацияга эга эмас. Ваҳоланки, канализация коллекторини ўтказиш ишлари деярли ўн йил илгари бошланган эди. Бу ишни охиригача етказиш вилоятимизнинг кечиктириб бўлмайдиган муаммоларидан биридир. Биз бу масалани тегишли вазирликлар ва идоралар олдига қўйилишини илтимос қилардик.

МУХБИР: — Эркин Махмудович, вилоятда ҳосилдор ерларнинг ҳар бир гектари алоҳида ҳисобда бўлган ҳозирги вақтда ундан оқилона фойдаланиш, экологик сақлаш муаммолари қандай ҳал қилинмоқда?

Э. М. РЎЗИЕВ: — Раҳбар сифатида ҳам, инсон сифатида ҳам ахлат уюмлари, ишлаб чиқариш чиқиндилари эгаллаб ётган ўнларча гектар ерларга хотиржам қараб туролмайман. Вилоятимиз ҳудудида бир миллиард тоннадан ортиқ қаттиқ ишлаб чиқариш чиқиндилари тўпланиб қолган. Улар 6 минг гектардан ортиқ ерни эгаллаб ётипти. Фақатгина рўйхатга олинган 18 та бундай жойларга ҳар йили 55 минг куб метрдан ортиқ ҳажмдаги рўзгор ва sanoат чиқиндилари тўпланапти. Лекин ҳар ҳолда бу ишда яхшилик томон бурилиш ҳам кузатишмоқда. Чиқиндиларни кўмиш, қайта ишлаш ва фойдаланиш билан шугулланувчи хўжалик ҳисобидаги корхоналар, ширкатлар ташкил этилди. Бир неча мисол келтиришим мумкин.

Ўзбекистон металлургия заводида «Чермет» ҳиссадорлик жамияти тузилди. У металлургия ишлаб чиқаришининг чиқиндиларини қайта ишламоқда. Қайта ишланган бундай чиқиндилар цемент ва автопокришкарлар ишлаб чиқаришда қўшимча сифатида фойдаланилапти. Янгийўл шаҳар ахлатхонасида органик чиқиндиларни Калифорния чувалчанлари ёрдамида қайта ишлаш ташкил этилди. Натижада биологик соф ўғит олинмоқда. Пахта тозалаш ва луб заводларининг чиқиндилари ушлаб қолиниб, қайта ишланиб, чорвага озуқа сифатида берилаяпти. Шунингдек қиш даврида моллар остига солинмоқда. Иссиқлик хўжалиқларида ишлатилаяпти. «Сантехлит» заводида қолиплаш қоришмаси чиқиндилари шлак блоклари тайёрлаш учун фойдаланилапти. «Қурилиш пластмасалари» комбинатида ишлаб чиқариш чиқиндилари иккинчи марта қайта ишланмоқда. Ангрэн картон комбинатида ишлаб чиқариш чиқиндиларидан плиталар тайёрлаш бўйича лойиҳа ишлаб чиқилди.

Бу муаммога бошқача муносабатда бўлиш ҳоллари ҳам мавжудлиги афсусланарлидир. Зангиота туманида ахлатни қайта ишлаш заводи бор. Лекин у ишланмаёпти. Амалда бу завод Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманига қарашлидир. Ярим йилдан бери уни ишга туширишни удалай олмаётдилар, ахлатни бу ерга ташиш эса давом этмоқда.

(Давоми 6-бетда).



ҚИБРАЙ ТУМАНИ «МУСТАҚИЛЛИК, ЭКОЛОГИЯ ВА ХАЛҚ

ҲЕЧ КИМ ЧЕТДА ЭМАС

ҚИБРАЙ тумани республика «Мустақиллик, экология ва халқ саломатлиги» кўрик-танловига ҳар йили фаол иштирок этиб келмоқда. Ўтган йили эса пойтахт вилояти бўйича гўлиб деб топилди. Ушбу саҳифада газетхонларни қибрайликларнинг табиатни муҳофаза қилиш соҳасида эришган ютуқлари, туплаган тажрибалари ва истиқболга мўлжалланган иш режалари билан қисқача таништирамиз.

АВВАЛО шуни айтиш керакки, Қибрай тумани пойтахт вилоятимизда алоҳида мавқега эга. Шимол ва шарқдан келадиган ҳаво оқимлари туман орқали ўтиб, Тошкент шаҳрига ёйилади. Қибрай дарёлари ва каналлари республикамиз пойтахти аҳолисини 90 фоиз ичимлик сув билан таъминлайди. Буларнинг ҳаммаси Тошкентда микроклимни юзага келтиради. Туманда етиштирилган мевалар ва сабзавотлар ҳам шаҳарликлар дастурхонига ҳадя этилади.

Ҳа, туман хўжалиги кенг тармоқли ва хилма-хилдир. Бу ерда, айниқса, қишлоқ хўжалиги, унинг сабзавотчилик, боғдорчилик ва чорвачилик тармоқлари анча ривожланган. Бундан ташқари, кўплаб саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотлари бор. Ана шуларнинг ҳаммаси муайян даражада атроф муҳитни ифлос қилади. Лекин туманда табиатни муҳофаза қилиш юзасидан изчил ва кенг кўламли иш олиб борилаётганлиги учун ҳам ҳавога чиқарилаётган заҳарли моддалар, сувга оқизилаётган оқавалар муттасил камайиб бормоқда.

Қишлоқ хўжалиги туман иқтисодийнинг етакчи тар-

моғи ҳисобланади. Экологлар маҳаллий ҳокимлик органлари, жамоат ташкилотлари ҳамда мутахассисларнинг биргаликдаги куч-ғайрати деҳқончиликда ва чорвачиликда кимёвий моддаларни ишлатишни камайтиришга қаратилмоқда. Шунинг учун ҳам унинг самараси дуруст бўлмоқда. Масалан, ўтган йили туманда минерал ўғитларни ишлатиш 25 фоизни ташкил этди. Олтингургурт моддаларини ишлатиш ҳам йилдан-йилга камаймоқда. Бу кейинги уч йил ичида 30 фоизни ташкил этди. Гербицидлардан фойдаланиш эса шу муддат ичида 25 фоиз камайди. Заҳарли кимёвий моддаларни ишлатиш эса тўрт баравар қисқарди. Ўтган йили фақатгина 35 тонна шундай кимёвий моддалардан фойдаланилди, холос. Айни вақтда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда биологик усулларни қўллаш йил сайин кенгаймоқда.

Туманда илмий асосланган алмашлаб экишни жорий қилишга катта эътибор берилмоқда. Агар 1992 йилда бу усул қишлоқ хўжалик майдонларининг 74,5 фоизда қўлланилган бўлса, ўтган йили у деярли 90 фоизга етди. Органик ўғитлар эса экин майдонларининг 96 фоизига жорий қилинди.

Туман қишлоқларида та-

биатни муҳофаза қилишнинг муҳим соҳаларидан ҳисобланган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари миқёслари йил сайин ошиб бормоқда. Биргина ўтган йили туман бўйича деярли 35 мингта терак экилди, 5 мингдан ортиқ мевали ва 2 мингдан ортиқ манзарали дарахт кўчатлари, шу билан бирга кўплаб буталар ва гуллар экилди. Ҳозир туманда қаламчадан 280 мингта терак ўстирилмоқда.

Бу ва шунга ўхшаш бошқа ишларни амалга оширишда барча мутасадди ташкилотлар қатори корхоналар, хўжаликлар жамоалари, маҳаллалар аҳли, ўсиб келаётган авлоднинг ўзи га яраша ҳиссаси бор. Улар жонажон туманининг экологик ҳолатини яхшилаш, бу билан аҳоли фаровонлигини оширишга ёрдам беришда куч-ғайратларини аямаяптилар. Албатта, бу ишларга табиатни муҳофаза қилиш бўйича Чирчиқ худудий кўмитаси ҳамда унинг Қибрай тумани бўйича давлат нозирлари Ҳабибулла Мансур-хўжаев, Абдужалил Раҳимовлар бош-қош бўлмоқдалар.

Туман ҳокимлиги ҳам табиатни муҳофаза қилиш ишларига доим катта эътибор билан қарамоқда. Ҳар ойда бу масалага бағишланган кенгаш ўтказилади. Унда туман фаоллари ҳам қатнашадилар. Табиатни муҳофаза қилиш бўйича давлат нозирлари туманда табиат муҳофазаси бўйича олиб борилаётган ишларнинг аҳволи, аниқланган камчиликлар, уларни бартараф этиш юзасидан кўрилган чоралар ҳақида

ахборот бериб турадилар. Ҳокимлик эса айрим масалаларда давлат нозирларига зарур бўлган барча ёрдамни бермоқда. Давлат назорати, фуқаро мудофааси, санэпидстанция ва бошқа шу каби хизматлар бу ишга кенг жалб этилаёпти.

Уларнинг иштироки билан тез-тез қўшма рейдлар ўтказиб турилади. Яқинда Чирчиқ дарёси соҳили бўйича шундай текширув ташкил этилди. Бундан мақсад унинг қирғоқларида пайдо бўлаётган чиқинди-хоналарни аниқлаш ва бартараф этиш эди. Барча аниқланган ахлат чиқиндилар ва супуриндилар ташиб кетилди ёки чуқур қазиб кўмилди. Сўнгра белгиланмаган жойларда ҳосил бўлаётган ахлат ва чиқиндилар уюмларини аниқлаш бўйича яна бир рейд уюштирилди. Текширув натижалари бўйича ахборот тайинланди ва у аниқ тақлифлар билан бирга ҳокимлик ҳукмига ҳавола этилди. Ҳокимлик бу масала бўйича тегишли чоралар кўрди.

Бўзсув каналига ифлос оқавалар ва ахлатларнинг тушишини аниқлаш ва уни бартараф этиш мақсадида ўтказилган қўшма рейд натижалари ҳам самарали бўлди. Каналнинг соҳилга яқин жойлардаги объектларда табиатга зарар келтирилаётган камчиликлар аниқланди ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан тегишли кўрсатмалар берилди. Канал қирғоқларига яқин бўлган молхоналар, паррандахоналар, ҳожатхоналар ва шунга ўхшаш экологик зарарли объектлар олиб ташланмоқда. Худди шу

текшириш натижасида каналга оқаваларни тозаламасдан оқизиш ҳоллари кескин камайди.

Фақат туманни эмас, Тошкент шаҳрини ҳам тоза ичимлик сув билан таъминловчи Қодирё сув ажратгич омбори доим назорат остида бўлмоқда. Бу ерда мунтазам олиб борилаётган тадбирлар сув ифлос бўлишининг олдини олмақда. Экологларнинг ҳокимлик, жамоат ташкилотлари билан биргаликда олиб борган фаол иши, меҳнат жамоалари, маҳалла аҳли билан яқин алоқада бўлиши табиатни муҳофаза қилишлари самараси ортишига ёрдам бермоқда. Ўтган йили корхоналар табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга ошириш учун салкам 3 миллион сўм ажратдилар. Бу маблагнинг деярли ҳаммаси тўла ўзлаштирилди. Айниқса, Тошкент ГРЭСи, «Яланғоч гишт заводи», хусусий тижорат ишлаб чиқариш корхонаси, «Қибрай» жамоа хўжалиги, «Туркистон» хўжалиги, «Средазтранс» автокорхонаси, 21-автобаза Янги Тошкент консерва комбинати ва бошқа корхона ҳамда ташкилотларнинг жамоалари табиатни муҳофаза қилиш ишларида фаол қатнашмоқдалар.

Қибрайликларнинг табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги бу ибратли ишлари муносиб тақдирланди. Улар вилоят бўйича кўрик-танловнинг гўлиби бўлдилар.

Янги — 1996 йилда туманда табиатни муҳофаза қилиш ишларини янги поғонага кўтариш юзасидан режалар ишлаб чиқилмоқда. Шундай хайрли ишда уларга муваффақиятлар тилаймиз.

Чарос ПАРПИБОЕВА.



Туман марказида миллий меъморчилик анъаналари асосида бинолар қурилиши кенгайиб бормоқда.

Даврон АҲМАД олган сурат.

ХАЙРЛИ ИШГА

ТОШКЕНТ Давлат туман электр станцияси республикамизнинг йирик нурхоналаридан ҳисобланади. Айни вақтда у атроф-муҳитни ифлос қилувчи манба ҳамдир.

Нурхонамиз маъмурияти табиатни муҳофаза қилиш ишларига тобора катта эътибор бераётганлигининг сабаби ҳам шундадир. Биз бундай ишларда «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонун талабларига риоя қилишга ҳаракат қилмоқдамиз.

1984 йилдаёқ станциянинг олтинчи қозон агрегатида атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича умумтармоқ дастурини амалга ошириш тартибида мамлакат амалиётида биринчи бўлиб азот-

нинг заҳарли оксидларини технологик камайтириш учун ёқилгини ёқилишнинг босқичли схемасининг биринчи намунасидан фойдаланилган эди. Бу ижобий самаралар берди. Корхонамиз учун жуда маъқул келди. Шунинг учун ҳам бундай схема нурхонамиздаги барча 12 та қозон агрегатларида жорий этилди. Бу ва у билан бирга амалга оширилган бошқа тадбирлар натижасида заҳарли азот оксидларини атмосферага чиқариш икки баравардан кўпроқ қисқар-



САЛОМАТЛИГИ» КЎРИК-ТАНЛОВИ ҒОЛИБИ БЎЛДИ

ҲАР ФАСЛДА КЎРКАМ

ҚАДИМДАН Дўрмон деб атаб келинган, эдилликда М. Матқобулов номи билан аталадиган бу қишлоқ йилнинг тўрттала фаслида ҳам жозибадор, мафтункор бўлади, десак муболага қилмаган бўламиз.

ҲОЗИР қиш совук, лекин бу қишлоқ саранжом-саришталиги, биноларнинг кўркемлиги, уйларининг замонавийлиги, қиш уйқусида ётган бепоян боғлари-ю-узумзорлари, обод кўчалари-ю теп-текис йўлларининг таровати ҳамон ўзгача. Қишлоқнинг баҳор, ёз, куз фаслларидаги қиёфаси айниқса гўзал бўлади.

Ҳа, бу қишлоқ ўзининг шу томонлари билан узоқ-яқиндаги кўпчилик қишлоқлардан ажралиб туради. Бу ерда табиатнинг ҳақиқий ишқибозлари, жонкуярлари истиқомат қиладилар. Улар ерни бўш қолдирмайдилар — дарахт экадилар, ҳовлилар, кўчаларнинг ифлос бўлишига йўл қўймайдилар, ахлат, супуриндилар, чиқиндиларни белгиланган жойга тўкадилар, мағзавалар, ифлосланган сувларни махсус ўраларга оқизадилар. У қишлоқ аҳолиси учун бу одат бўлиб қолган, яхши анъанага айланган.

Табиат жонкуярлари ҳақида гап кетгудек бўлса, мен биринчи навбатда «Арғин» маҳалласи оқсоқоли Т. Пардабеков, Дўрмон маҳалла кўмитаси раиси Ҳ. Нишонов, «Пастки-юз маҳалла» ва «Юқори-юз маҳалла» оқсоқоллари А. Юсупбеков ва Р. Салимбоев, «Қорамурт» маҳалласи оқсоқоли У. Тўраҳўжаев, «Қодирё-ГЭСи» маҳалласи оқсоқоли Э. Абдурахмонов, туман марказий касалхонаси бош врачси Х. Ризаев, дўкон мудирси А. Мирзаев ва бошқа ўнлаб кишилар номини тилга олишни истардим.

Бу кишилар ўзлари яшаб-ишлаб турган корхоналар, ташкилотлар, маҳаллаларда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, атроф муҳитни мусоффо сақлаш, саранжом-саришталикка эришиш учун бошланган ҳаракатларга бош-қош бўлмоқдалар, ўзлари намуна кўрсатиб, бошқаларни ҳам бундай хайрли ишга жалб қилмоқдалар.

А. Матқобулов номли қишлоқнинг ҳозирги қиёфасини унинг-яқин ўтмишдаги кўринишига ҳеч солишти-

риб бўлмайди. Халқимизнинг аънанавий меъморчилиги намуналари асосида қурилган бинолар кўпайиб кетди, янги-янги гузарлар пайдо бўлди, қатор кичик ва хусусий корхоналар, аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи муассасалар пайдо бўлди, хонадонларни газлаштириш ва аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш тобора яхшиланиб бормоқда.

Қишлоқдаги корхоналар, ташкилотлар, муассасалар жамоалари ҳам табиатни асраш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига тобора салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Бундай ишларни, аввало, ўз худудларида амалга оширишяпти. Фикримизнинг далили учун туман марказий касалхонасида шу соҳада қилинган ишларни мисол сифатида келтиришимиз мумкин. Бир вақтлар мактаб-интернат бўлган бу худудга туман марказий касалхонаси кўчиб ўтган унинг қиёфаси тубдан ўзгариб кетди. Кенг кўламда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Тез-тез шанбаликлар, яқшанбаликлар уюштирилиб, худуди тозаланди ва мевали-манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди, гулзорлар барпо этилди. Инсонлар кўли ва меҳнати билан яратилган гўзал манзара беморларнинг тезроқ тузалиб кетишига ҳам ёрдам бераётганлигини ҳамма қайд қилади.

Қисқаси, бу қишлоқ табиат жонкуярларининг жонбозлиги, ҳар бир кексаю ёш фуқаросининг экологик ҳолатни яхшилашда фаол иштирок этиши туфайли намунали қишлоққа айланди. Қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгарди. Бу ҳали катта ишларнинг бошланиши. Келажақда у янада кўркам ва обод бўлишига шакс-шухба йўқ.

А. РАҲИМОВ.

Туман табиат муҳофазаси бўйича давлат ноziри.



Тўғарак раҳбари Ҳайрулла Иноғомов бир гуруҳ ёш экологлар даврасида.

ЁШ ЭКОЛОГЛАР

БАЙТҚЎРҒОН қишлоғида жойлашган мактабимизда табиатнинг ёш дўстларини тарбиялашга, уларга экологик кўникмаларни сингдиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу масканда бошқа фанлар қатори экология бўйича ҳам дарслар ўтказилмоқда. Айни вақтда ёш табиатшунослар тўғараги ҳам ишлаб турипти. Унинг машғулотида қатнашиш истагини билдирган ўқувчилар тобора кўпайиб бормоқда. Тўғарақда улар ўз қишлоқларининг тарихи, экология масалалари, табиатни муҳофаза қилиш фаолияти билан танишадилар.

Тўғарак аъзолари худудимиздан ўтаётган дарёлар ва каналлар сувлари ҳамда ҳавонинг тозаллигини текширишда фаол қатнашадилар. Бу уларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Чунки туманимиздан Тошкент—Чирчиқ шохкўчаси ўтади, унда транспорт жуда зич қатнайди. Эсаётган шамол айрим вақтларда ҳаво оқимлари билан бирга Чирчиқдаги қатор корхоналарнинг атроф муҳитга чиқараётган захарли тўтунлари, газларини ҳам олиб келади. Тўғарак қатнашчилари эса сув, ҳаво, ер таркибини аниқлашни ўрганадилар. Етиштирилган сабзавот ва меваларда қандай моддалар борлигини таҳлил қиладилар.

Бу ишда мактаб ёнидаги ер майдонида етиштирилаётган турли хил сабзавотлар, кўкатларни ўстириш, парвариш қилиш ёрдам бермоқда. Тўғарак аъзолари ҳафтанинг муайян кунларида шу экин майдонларида ўқитувчилар раҳбарлигида ишлайдилар.

Ҳар йили мактаб ўқувчилари айниқса тўғаракка қатнашаётган болалар дарахт кўчатлари экишда фаол қатнашадилар. Ҳар гал камии билан биттадан шундай кўчатларни экиш ва уларни парвариш қилиш ҳар бир ўқувчи учун меёр бўлиб қолган.

Тўғарак аъзолари табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган айрим масалалар бўйича рефератлар

ҳам ёзмоқдалар. Масалан, Шахноза Тоғаева ва Хурсаной Раҳаматовалар қишлоқда экологик аҳвол ҳақида реферат ёздилар. Унда ўзлари олиб борган кузатишлар натижасида экологиянинг аҳоли қандай ҳолатда эканлиги, аниқланган камчиликлар ва уларни бартараф этиш йўллари ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этганлар. Шунинг учун бу реферат республика конкурсида юқори баҳоланди.

Тўғарагимиз аъзолари ҳар ўқув йили охирида ташкил этиладиган табиатнинг ёш дўстлари кўрик-танловида фаол қатнашадилар. Бу тадбирларда ҳам уларнинг ишлари яхши баҳоланмоқда. Энг муҳими мактаб ўқувчиларида ёшлиқдан табиатни муҳофаза қилиш кўникмаси шаклланаётганлигидадир.

Мактабимиз ёнида ажойиб бир боғ бор. У каттагина майдонни эгаллайди. Унинг пайдо бўлиши мактаб билан боғлиқ. Чунки бир гуруҳ ўқувчиларимиз бўш ётган ана шу майдонда боғ ташкил этиш ташаббуси билан чиққан эди. Уларни мактаб маъмурияти қўллаб-қувватлади. Бундан бениҳоя хурсанд бўлган табиатнинг ёш дўстлари майдонни текисладилар. Юзлаб түп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экишди. Уларнинг тақлифи билан бу оромгоҳга «Дўстлик боғи» номи берилди. Эндиликда ўқувчиларимиз бу боғда етиштирилган мевадан баҳраманд бўлмоқдалар. Уларнинг қўллари билан кўз ўнгиларида барпо этилган ва эндиликда мевага кирган бу боғ албатта, ўқувчиларда табиатга нисбатан меҳр-муҳаббатни кучайтиришга олиб келади.

Ҳайрулла ИНОҒОМОВ,

Байтқўрғондаги 16-мактаб ёш табиатшунослар тўғараги раҳбари, халқ наорифи аълоқиси, олий табақдаги ўқитувчи.

МАБЛАҒНИ АЯМАЙМИЗ

ди. Бу тажриба мамлакатимиздаги барча бошқа иссиқлик электр станцияларида ҳам жорий қилинди.

Корхонамизда таркибида олтингурт кўп бўлган мазут ёқишни камайтириш, унинг ўрнига табиий газдан фойдаланишни кўпайтириш йўлидаги ҳаракатлар давом этаяпти. Чунки газ мазутга нисбатан экологик анча тоза ёқилғи ҳисобланади. Атроф муҳитга чиқаётган захарли моддалар ҳам камайдилар. Бу йўлда дастлабки қадам бундан 12-13 йил илгари қўйилган эди. Нурхонага газ келтириш учун қувурлар ётқизилди. Кейинги йўлларда ҳам станциянинг ёқилғи мувозанатида табиий газ ҳажмининг кўпайиши учун барча им-

кониятлар ишга солинмоқда. Шу туфайли мазутни ёқиш йилига 2,5 баравар камайдилар. Натижада захарли моддаларни атмосферага чиқариш деярли икки баравар қискарди.

Станциянинг экологик хавфсизлигини таъминлаш бўйича ишлар бир кун ҳам тинмаяпти. Захарли моддаларни атроф муҳитга чиқаришнинг меърий даражасига эришиш учун махсус илмий асосланган тадбирларнинг амалга оширилиши устидан мунтазам назорат олиб борилмоқда.

Биз экологик аҳволни яхшилаш ишига илмий-тадқиқот, лойиҳалаш технология институтларини ҳам жалб қилмоқдамиз. Уларнинг ёрдами билан азот ок-

сидларини ҳавога чиқаришни камайтириш усуллари муттасил тақомиллаштирилмоқда. Ҳозирги кунда ёқилғи ёқишнинг шундай технологияси ишлаб чиқилмоқдаки, у азот оксидини ташқарига чиқаришни янада камайтиришга олиб келади. Бу ишда бизга «Атмосфера» илмий-тадқиқот-лойиҳалаш-технологик институти мутахассислари яқиндан ёрдам бермоқдалар. АПТЭП лойиҳалаш институти кучи билан ГРЭСнинг атроф муҳитга таъсирини аниқлаш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ўтган йилнинг ўн ойи ичида ҳавонинг муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширишга 121 минг сўм сарфланди. Жамоамиз экологик аҳволни яхшилаш учун мақсадли ва кенг кўламли ишларни амалга оширишга ёрдам бериш мақсадида Тошкент вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасига деярли 4 миллион

сўм маблағ ажратди.

Ҳозирги вақтда барча ифлос оқавалар махсус қурилмалар ёрдами билан тўла тозаланмоқда. Бундай қурилмаларнинг туну-кун ишлашига эришилмоқда. Оқава сувларнинг тозаллиги станция-миздаги кимё лабораторияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси давлат табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг ихтисослашган лабораториялари ходимлари томонидан доим назорат қилиб келиняпти. Меърий тозаланган оқава сувларига обиҳаёт манбаларига оқизилмоқда.

1995 йилда сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш бўйича қатор тадбирлар белгиланди ва улар деярли тўла амалга оширилди. Нейтраллаштириш узелидан чиққан оқава сувларни қурилмаларнинг механик филтрларини тозалаш учун ишлатиш йўлига қўйилди. Шундай филтрларни тозалаш технологияси ўз-

гартирилиб, иситилган сув ишлатилмоқда. Оқава сувларни станцияда қайта фойдаланишга ёрдам берадиган бошқа тадбирлар ҳам қўрилмоқда. Шундай ишларни амалга ошириш учун 1 миллион 160 минг сўм сарфланди.

Нурхонамиз энергетиклари ва экологлари нурхонамизда экологик аҳволни яхшилаш, ўлкаимизнинг табиий бойликларини муҳофаза қилиш, ўзимиз нафас олаётган ҳавонинг соф бўлишига эришиш, сувнинг мусоффо бўлиши учун ва энг муҳими сийҳат-саломатлик мустаҳкамлашига хизмат қилувчи экологик ишларни бундан буён ҳам кенг кўламли амалга оширишни давом эттиради.

Олег ЕРЦЕНКИН,
Тошкент Давлат туман электр станциясининг бўлим бошлиғи.



ЕРИМИЗНИ, СУВИМИЗНИ, ОНА ТАБИАТИМИЗНИ АСРАШ — ҲАР БИРИМИЗНИНГ МУҚАДДАС БУРЧИМИЗ

(Давоми. Боши 3-бетда).

Ҳатто ахлатни айланма йўл атрофига тўкиш ҳоллари содир бўлмоқда. Ҳокимликнинг ходимлари қаёққа қарамоқдалар? Улар рўзгор чикиндиларини, жамоа хўжаликлари, давлат хўжаликларидан ахлатни ташиб кетиш, каналларнинг қирғоқларига ахлатни тўкишни-нгни олдини олиш билан жиддий шугуллансалар ёмон бўлмас эди.

Шаҳар ва туман коммунал хўжалик бўлимлари бу иш билан етарли шугулланмаётганликлари учун ҳам шундай бўлмоқда, деб ҳисоблайман. Оҳангарон, Янгийўл шаҳарларида, Бўстонлик ва Паркент туманларида ахлат тўпланадиган жой ҳамон белгиланмаган. Оҳангарон минтақасида эса худуд инфо-сланибгина қолмай, айни вақтда ахлатлар Оҳангарон дарёсига ҳам ташланмоқда. Ваҳоланки, унинг сувини аҳоли истеъмол қилади. Шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари ва прокурорлари атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги талабларни қўллаб-қувватлабгина қолмай, бу ҳақда шахсан қайғуришлари лозим.

Кимёвий захарли моддалар идишларидан қайта фойдаланиш масаласи ўткир бўлиб турди. Қишлоқ хўжалик кимёси омборларида ва айрим хўжаликларда ҳозирги вақтда жуда захарли моддаларнинг қолдиқлари қолган салкам 27 мингга идиш тўпланиб қолган. Бу моддалар инсонлар, ҳайвонлар, паррандалар саломатлигига эллик йил ва ундан ҳам кўпроқ муддат давомида хавф солиши мумкин. Металл идишлари эса тегишли қайта ишлашдан ўтказилмасдан ҳатто қайта эритилиши мумкин эмас. Бу масалани фақат республика қишлоқ хўжалик кимёси ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари ҳал қилиши мумкин.

МУҲБИР: — Тошкент вилояти республикада биринчилардан бўлиб экологик соф қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш учун курашни бошлади. Сиз бунга қандай қарайсиз?

Э. М. РЎЗИЕВ: — Минерал ўғитлар, кимёвий захарли моддалар интенсион ва узок йиллар давомида ишлатиб келингани учун нафақат вилоятимиз, ҳатто бутун республикамиз экин майдонлари ҳам захарли кимёвий моддалар ва пестицидлар билан кўп даражада буланган. Уларни тозалаш, зарарсизлантириш учун алоҳида усуллар излаш зарур. Бунга олимлар тавсия етишяпти. Масалан, Паркент туманида глауконит-табиий калий ўғити қони бор. Ундан фойдаланиш экологик соф қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш имконини беради. Афсуски, бу қимматли табиий материал бизда шу вақтгача кенг жорий қилинмапти.

Бекобод туманида экологик соф қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни муваффақиятли қўллаш бўйича тўпланган қимматли тажриба диққатга сазовордир. Мен қишлоқ хўжалик зараркундаларига қарши курашнинг биологик усулини назарда тутаяман. Шунинг эслатмоқчиманки, «Мустанжиллик, экология ва халқ саломатлиги» кўрик-танловида Бекобод тумани республикада энг яхши туман деб тан олинди, маҳаллий биологик фабрика эса алоҳида тақдирланди. Ҳозирги вақтда вилоятда 44 та биологик лаборатория бор ва ҳатто қўшни республикалар ҳам уларнинг қимматли тирик маҳсулотларини қишлоқ хўжалик зараркундаларига қарши кураш учун сотиб олиш истагини билдирмоқдалар. Бизнинг ҳисоблаб чиқишимизча, агар барча биологик лабораториялар тўла қувват билан ишласа, минерал ўғитлар ва захарли кимёвий моддаларни ишлатиш кескин ҳис қаради ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экологик зарарсиз қилиб етиштириш мумкин бўлади. Афсуски, ҳозирги кунда маҳсулотлар тақчиллиги оқибатида 14 та биологик лаборатория ярим қувват билан ишламоқда. Улар Бўстонлик, Пискент ва Ўртачирчиқ туманларидадир. Шу муносабат билан шу туманларнинг ҳокимликлари ва қишлоқ хўжалик раҳбарларига қаттиқ танбех бериш керак. Улар Бекобод туманидаги ҳамкасбларининг тажрибаси билан аллақачонлар таълимлари керак эди.

МУҲБИР: — Вилоятда ўсимлик ва

ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилишнинг аҳволи ва бу борадаги қийинчиликлар ҳақида ҳам тўхталсангиз.

Э. М. РЎЗИЕВ: — Қийинчиликлар ҳақида гапирар эканмиз, биз биринчи навбатда бебаҳо бойлик — Ўғам Чотқол давлат миллий табиий боғи, ЮНЕСКО макomini олган Чотқол тоғ-ўрмон биосфера қўриқонасини сақлаш ҳақида ўйлаймиз. У 32,5 минг гектар майдонни эгаллаган, виллоятда 6 та ўрмон хўжалиги ҳамда битта илмий йўналишдаги хўжалик — Чотқол тоғ мелиоратив станцияси жойлашган.

Флора ва фауна муҳофаза қилиш муаммоси ҳеч қачон ҳозиргидек ўткир турмаган эди. Бунинг сабаби бор. Бўстонлик туманида аҳолининг сони барча экологик меёрлардан анча кўпдир. Зарур миқдордаги ёқилги ресурсларининг йўқлиги — кўмир, газнинг етишмаслиги туфайли аҳоли ҳар йили ниҳоятда кўп дарахлар ва буталарни уйни иситиш учун кесиб олади. Ўрмонни қайта кўпайтириш иши эса етарли олиб борилмапти.

Ёзда Бўстонлик тумани аҳолисига, жамоа ва давлат хўжаликлари қарашли чорвани боқиб миллий табиий боққа жуда катта зарар келтирмоқда.

Бизнингча, ўрмон хўжаликларидаги аҳолий республика миқёсида ҳам кўриб чиқиш зарур бўлиб қолганга ўхшайди. Чунки улар ҳозиргача жамоат ташкилотлари сифатида иш қўрадилар, ваҳоланки бу ерда фақат овчи бўлиш мумкин эмас, ҳақиқий, гамхўр соҳиб бўлиши лозим.

МУҲБИР: — МДХнинг бошқа республикалари, хорижий мамлакатларнинг табиатни муҳофаза қилиш фаолиятидаги тажрибаларидан ҳам фойдаланилгандими?

Э. М. РЎЗИЕВ: — Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ходимлари бундай тажрибани Италия, АҚШда ўргандилар. Италияликларнинг ниҳоятда зарарли ишлаб чиқаришларида табиатни муҳофаза қилиш бўйича тажрибаси Чирчиқдаги капролактама заводида қўлланилганди ва яхши натижаларга эришилмоқда. Ишлаб чиқариш чикиндилари, айниқса, бизда 50 миллион тоннага тўпланиб қолган фосфоганч билан ишлаш тўғрисидаги масала АҚШда ва Германияда ўрганилди.

Экологларнинг тажрибалари ҳам ўзлари учун қимматли бойлик ҳисобланади. 1995 йилда Чирчиқда илмий конференция ўтказилди. Унда олимлар ва меҳнат жамоаларининг раҳбарлари табиатни муҳофаза қилиш фаолияти ва янги технологиялар ҳамда илмий ишланмаларни жорий қилиш тажрибаси билан ўртоқлашдилар. Чотқол қўриқонасига ЮНЕСКО сертификати топширилди. Бу ерда фақат генофонд муҳофаза қилинибгина қолмай, шу билан бирга ҳайвонлар, паррандалар ҳамда ўсимлик дунёсининг энг қимматли турларини етиштириш ва кўпайтиришга эришилмоқда.

Хорижий мамлакатларнинг ёқилгининг бошқа турларига ўтиш, турли-туман флора ва фауна ҳамда экин экилмайдиган ландшафтларни муҳофаза қилиш бўйича тажрибалари катта қизиқиш уйғотмоқда.

МУҲБИР: — Вилоятда халқ истеъмоли ва бошқа товарлар ишлаб чиқариш бўйича қўшма, кичик корхоналар, цехлар ташкил этиш фаол бормоқда. Уларда «табиат манфаатларига» қандай риоя қилинмоқда?

Э. М. РЎЗИЕВ: — Бу ерда асосий масъулият табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари ходимлари зиммасига тушади. Уларни шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари ҳар томонлама қўллаб-қувватлашлари лозим. Табиий муҳит ва табиий ресурсларга таъсир қўрсатишнинг маҳмуий баҳосини олиш, флора ва фауна учун хавфли вазиятлар ва оқибатларнинг олдини олиш учун экологик экспертизалар ўтказилмоқда. Тошкент вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси бўлими сўнгги беш йилда 2700 та давлат, кичик, қўшма корхоналар ҳамда ширкатларни рўйхатдан ўтказди.

Бу йил Келесда гидроскопик пахта ишлаб чиқариш бўйича фабрика, Назарбекда 10 минг тонна сўғимли совутгич, Олмалиқ кон-металлургия комбинатида сирланган идишлар ва халқ истеъмоли моллари — болалар велосипедлари, электрокаминлар, ванналар учун асбоб-ускуналар ишлаб чиқарувчи цех қурилади. Анградаги «Подземгаз» станциясида 154 гектар

бузилган ерни қайта фойдаланиш учун лойиҳа тасдиқланди.

Бироқ бу ерда ҳам талабчанликни кучайтириш лозим. Масалан, Бўка туманида қатор объектлар, шу жумладан, «Ўзтуркаккумулятор» қўшма корхонасининг тозалаш иншоотлари, марказий бозор, дўконлар, автобус бекатлари экологик экспертизасиз қурилди.

Ердан номаъқул фойдаланиш ҳоллари ташвиш туғдирмоқда. 1993 йилда 20 га яқин участка экологик экспертизадан ўтди, қуриш учун рухсатнома олди. Бироқ «Тошвилкамхўжқурилиш» трестининг кальций карбиди ишлаб чиқариш цехи, «Ўзбекавтогаз» бошқармасининг суолтирилган газ қўйиш станцияси, «Шаҳноза» кичик корхонасининг консерва ва вино заводлари, «Саратон» кичик корхонасининг консерва цехи, «Ўзбек» кичик корхонасининг ишлаб чиқариш базаси қурилиши ҳамон бошланганича йўқ. Шу муносабат билан шаҳар ва туман раҳбарларига эслатиб ўтмоқчиман, қонун бўйича ажратилган участкада қурилиш учун ҳужжат расмийлаштирилгандан кейин икки йилдан ошқроқ вақт давомида иш бошланмаса участка олдинги эгасига қайтариб берилиши керак. Бунинг устига уларга ҳайдаладиган ер участкалари ажратилган. Туман ҳокимликлари қонунчиликдан бундай чекинишни нима учун эътиборсиз қолдирган?

Қурилиш фаол олиб борилаётган Пискент туманида эса нима учундир қурилишларга экологик экспертизасиз рухсат беришга йўл қўйилмоқда.

МУҲБИР: — Оммавий ахборот воситалари вилоят табиатни муҳофаза қилиш соҳасида қандай ёрдам бермоқда?

Э. М. РЎЗИЕВ: — Оммавий ахборот воситалари бу машаққатли ишда бизнинг ишончли садошларимиз ҳисобланади. 1991 йилдан бошлаб вилоят «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентска я правда» газеталарида махсус «Табиат ва инсон», «Природа и человек» саҳифалари чиқмоқда. Тошкент вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва бу газеталар таҳририятлари шу давр ичида юзга яқин саҳифалар чиқардилар, уларда ҳар йили юзлаб материаллар босилмоқда. Бу саҳифаларда вилоят шаҳарлари, туманлари, корхоналари, хўжаликлари, маҳаллаларида экологик аҳолий яхшилаш бўйича тадбирлар тўғрисида мунтазам ахборот бериб борилади ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг муҳим муаммолари муҳокама қилинади.

«Халқ сўзи» — «Народное слово», «Голос Узбекистана», «Ишонч» — «Доверие» республика газеталари саҳифаларида ҳам аҳолига вилоятда табиатни муҳофаза қилиш фаолияти тўғрисида ҳикоя қилиб бораёلمиз. Масалан, «Халқ сўзи» газетасида «Табиат билан юзмаюз» Тошкент вилояти саҳифаси берилди. Унда Тошкент вилояти минтақаларида табиатни муҳофаза қилиш фаолияти тажрибаси умумлаштирилди.

Биз оммавий ахборот воситаларига миннатдорчилик билдириш билан бирга вилоят, туман газеталари табиатни муҳофаза қилиш мавзуга бераётган эътибордан қаноатланмаётганлигимизни таъкидлаб ўтмоқчиман. Масалан, Зангиота, Тошкент, Оққўрғон, Қуйчириқ ва бошқа туманлар газеталарида табиатни муҳофаза қилиш вазифалари ва экологик муаммолар ҳақида йилига 1-3 та материал берилди, холос. Одатда уларнинг муаллифлари ҳам экологларнинг ўзлари бўлади. Ҳозир фақат Янгийўл минтақасида махсус «Табиат ва инсон» саҳифаси чиқиб турипти.

Малакали ижодий ходимлар ишлаётган вилоят газеталаримиз саҳифаларида воқеалар бўлиб ўтган жойдан тезкор репортажлар ўқишни истар эдик. Журналистларнинг ишлаб чиқариш жамоалари, маҳаллалар, илмий муассасалар тўғрисида экологик мавзу бўйича ҳолисанилло амалий материаллари бизга табиатни муҳофаза қилиш фаолиятида ёрдам берган бўлур эди.

МУҲБИР: — Инсоннинг ҳаёт олдидидаги энг муҳим бурчи — уй қуриш, боғ яратиш ва фарзанд ўстириш, жонажон ўлкани севадиган ва авайлайдиган болани тарбиялаш. Демокриманки, табиатни асраш, авайлаш келгуси авлодга кўп жиҳатдан боғлиқ. Шундай экан, вилоятнинг ўсиб келаётган авло-

дини экологик таълими ва тарбиясида диққатга сазовор томонлар борми?

Э. М. РЎЗИЕВ: — Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳамда мажбурий экологик таълим тўғрисидаги талабларга мувофиқ муайян ишлар олиб борилмоқда. Мактабларда экологик мавзу бўйича машғулотлар ўтказилганди. «Табиат ва болалар» мавзуи кўргазмалари уюштирилмоқда. Ўқув йили охирида тажриба алмашиш бўйича илмий-амалий конференциялар ўтказилмоқда. Шунинг мамнуният билан таъкидлаш лозимки, бундай тажриба алмашиш вилоятимизнинг кўпчилик шаҳарлари ва туманларида уюштирилган. Тўпланган тажриба «Табиат ва болалар» рисоласида баён этилган. Бу рисола ишда халқ таълими ходимларига ёрдам беради, деб ишонамиз.

Бироқ ўсиб келаётган авлоднинг экологик таълими ва тарбиясида ҳали кўпгина ҳал қилинмаган муаммолар бор. Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун қабул қилингандан бери анча вақт ўтган бўлса ҳам вилоятдаги барча мактаблар бу ишга лозим даражада эътибор ва масъулият билан ёндашмаптилар. Мактабларнинг кўпчилигида экологик мавзу бўйича дарслар умуман ўтмайди ёки онда-сонда ўтади. Мисол келтириш мумкин, Пискент туманида ўқув йили тугаши билан мактаб ўқувчиларининг экологик таълими ва тарбияси тажрибасини алмашиш бўйича илмий-амалий конференция доим ўтиб туради, «Табиат ва болалар» кўргазмаси уюштирилади. Минтақамизнинг йирик маркази ҳисобланган Олмалиқда эса бундай тадбирлар ўтказилмайди. Ҳокимликлар ходимлари бу ҳолни эътибордан четда қолдирмасликлари лозим.

МУҲБИР: — Эркин Маҳмудович, қайси ҳокимликлар экологлар билан яқин ҳамкорликда иш юритмоқдалар?

Э. М. РЎЗИЕВ: — Мен биринчи навбатда Чирчиқ, Янгийўл ва Оҳангарон ҳокимликларини айтиб ўтишни истар эдим. Масалан, Чирчиқ ҳокимлиги табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари ходимлари ҳамда жамоатчилик билан ҳамкорликда ўз шаҳарларининг экологик аҳолий яхшилаш бўйича катта ишни амалга оширибгина қолмай, Қибрай туманига ҳам ёрдам берди. Шу туфайли улар «Мустақиллик, экология ва халқ саломатлиги» кўрик танловининг ғолиби бўлдилар.

МУҲБИР: — Яқинда «Ўқитувчи» нашриётида «Табиатни муҳофаза қилаётган кишилар ҳақида» китоб босилиб чиқди. Унда «Ҳокимнинг уч дарси» боби бўлиб, бу бобда сизнинг Бекобод шаҳри ҳокими бўлиб ишлаган вақтда табиатни муҳофаза қилиш учун шаҳар экологлари ва ходимларнинг масъулиятли бўлишини тарбиялаш юзасидан фаолиятингиз тўғрисида ёзилган. Бундай фойдаланган дарсларингиз учун сизга раҳмат. Бундай дарслар табиатни муҳофаза қилишдек мураккаб ишда жуда асосатда.

Э. М. РЎЗИЕВ: — Бу китобни ўқидим. Биз уни вилоятнинг барча ҳокимликларига юбордик. Китобда жонажон ўлка табиатини муҳофаза қилаётган, унинг ресурслари тежаб-тергаб сарфланиши тўғрисида қайғураётганларнинг оғир меҳнатлари холисанилло ёритилган.

Сўхбатимиз пировардида бир таклифни ўртага ташламоқчиман. Ишонаманки, уни республика табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва минтақамиз аҳолиси қўллаб-қувватлайди. Ўзбекистон Ўрта Осиёда табиатни муҳофаза қилиш соҳасида ҳақи равишда етакчи ҳисобланади. Республикамиз Президенти И. А. Каримовнинг минтақанинг экологик аҳолий яхшилаш бўйича иши кўпчилик давлат арбоблари учун намуна ҳисобланади. Шунинг учун ҳам республикада «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган эколог» унвонини таъсис этишни ва уни табиатни муҳофаза қилиш фаолиятига катта ҳисса қўшган кишиларга беришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман.

Сўхбатни Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси, «Тошкент ҳақиқати» газетасининг жамоатчи муҳбири Чарман ПЕРЕПЕЛИЦИНА олиб борди.



Ушбу саҳифа материалларини Тошкент вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва «Тошкент ҳақиқати» ходимлари уюштиришган.



Қанча тош босар экан?

Даврон АҲМАД олган сурат.

БАҚА БИЛАН САЙИЛ

ИТАЛИЯНИНГ Милан шаҳрида кўчалар, хиёбонлари майдонларда қурбақа билан сайр қилиш ишқибозлари тобора кўпроқ кўзга ташланадиган бўлиб қолди.

Бундай сайиллар ишқибозлари бақага қимматбаҳо тақинчоқлар осиб кўядилар. Бу, айниқса, олий табақа ваққларининг эрмакларига айланиб бормоқда. Улар бақаларни боқиб, қимматбаҳо занжирда сайилга олиб чиқадилар. — Эндиликда бу ҳам ижтимоий мавқени белгилловчи ўлчов бўлиб қолди, — дейди жамиятшунос Тина Скорелли. — Шундай йўл билан айрим бадавлат кишилар ўз бойликларини намоён

Бу қизик

қилмоқчи бўлишди. Улар ҳатто хорихдан катта маблағ сарфлаб келтирилган йирик бақаларни гавҳарлар қадалган тасмаларда етаклаб юрадилар.

Хонаки бақаларнинг эгалари бундай эрмак ҳатто икки минг доллар туриши мумкинлигини гурур билан гапирдилар.

Ақлингизни ПЕШЛАЙДИ

КИМ ақли бўлишни истамайди, дейсиз. У бошқа омилар қатори тановул қиладиган овқатларингизга ҳам кўп жиҳатдан боғлиқлиги қадимдан кўпчиликка маълум.

БУНИ АҚШ қишлоқ хўжалиги вазирлиги мутахассислари олиб борган тадқиқотлар яна бир бор исбот этди.

Улар кимёвий борнинг инсоннинг ақлий фаолиятига таъсирини ўрганиш мақсадида кўп изландилар. Бундай модда киши кунда тановул қиладиган

озиқ-овқат маҳсулотлари таркибида бўлади. Вазирлик ҳузуридаги овқатланиш марказида доктор Жеймсон Пенландом шундай тадқиқотлар ўтказди. Бунинг учун у катта ёшдаги 15 нафар кўнгилли кишиларни танлаб олди.

Тадқиқотчи тўрт ой давомида улар тановул қиладиган овқатлар

таркибидаги бор миқдорини ўзгартириб турди. Улар бирикманнинг кўпроқ миқдорини — кунга уч миллиграммгача тановул қилганларида чаққонлик ва эътиборлари 10 — 20 фоиз ошганлигини қайд қилди.

— Бор ақлий фаолият учун ниҳоятда муҳимдир, — дейди машҳур кимёгар олим доктор Григер Шинко. — Шунинг учун ҳам кишилар таркибида бундай модда кўпроқ бўлган маҳсулотларни тановул қилишлари лозим. Олма, узум, нок, пиёз шундай маҳсулотлар қаторига киради. Илжо ва имконияти бўлса бундай серхосият мева-сабзавотларни доим дастурхондан аритмаслик лозим.

ЭЪТИЛОВЛАР

Очиқ турдаги «Саноаткартонсавдо» ҳиссадорлик жамияти чекланмаган миқдорда макулатура қабул қилади. Макулатуранинг ҳар бир тоннасини 6500 сўмдан сотиб олади, унинг ҳақи пул ўтказиш йўли билан тўланади. Айни вақтда гофратарага, ўраш қоғозига, муқова картонига, силикат елимига бартер қилиш мумкин. Аҳолидан олинадиган макулатура кундалик рўзгор учун керак бўладиган қуйидаги товарларга алмаштирилади:

1. Пахта ёғи	1 шиша	— 11 кг. макулатура	12. Хинали шампун	1 шиша	— 10 кг. — » —
2. Кир совун	1 бўлак	— 3 гк. — » —	13. «Лада» шампуни	1 шиша	— 7 кг. — » —
3. СМС — 1000 пастаси	1 кг.	— 15 кг. — » —	14. «Лола» мойупа	1 банка	— 3 кг. — » —
4. У — 1000 пастаси	1 кг.	— 8кг. — » —	15. «Локон»	1 шиша	— 12 кг. — » —
5. Вино	1 шиша	— 7 кг. — » —	16. Пойабзал учун мой	1 банка	— 3 кг. — » —
6. Ароқ	1 шиша	— 20кг. — » —	17. Кўл учун мойупа	1 банка	— 2 кг. — » —
7. Коньяк	1 шиша	— 22 кг. — » —	18. «Мўмиё» мойупаси	1 банка	— 3кг. — » —
8. Электр лампочкаси	1 дона	— 3 кг. — » —	19. Пиёзли лавлаги салати	1 банка	— 7 кг. — » —
9. «Фтородент» тиш пастаси	1 дона	— 4 кг. — » —	20. «Неженский» салати	1 банка	— 12 кг. — » —
10. Лаб бўёғи	1 дона	— 3 кг. — » —	21. Шампан шароби	1 шиша	— 20 кг. — » —
11. Сигареталар	1 пачка	— 2кг. — » —	ва бошқалар		

Товарлар рўйхати ва нормалари ўзгариши мумкин.

Қабул қилиш пунктлари қуйидаги манзилларда жойлашган:

Тошкент шаҳрида

Хамза тумани:
Мальков кўчаси, 2.
Шолохов кўчаси.
Лисунов кўчаси.
Миробод тумани:
2 — Миралихов боши берк кўча, 19.
Подъёмник кўчаси, 1.
Клара Цеткин кўчаси, 1.
Чилонзор тумани:
26 — даҳа (макарон фабрикаси).
19 — даҳа
16 — даҳа
14 — даҳа
Ипподром
Юнусобод тумани:
Малаясов кўчаси, 2.
Малаясов кўчаси, 37.
Марказ — 6 («Қозоғистон» кинотеатри)
4 — даҳа (302 — мактаб)
11 — даҳа

Собир Раҳимов тумани:
2/3 Қорақамиш.
2/1 Қорақамиш.
«Миконд» заводи (металл базаси томонида)
«Семурғ» фабрикаси

Ангрен шаҳрида:

5/5 даҳаси, 14 — уй.
5/3 даҳаси Южная кўчаси («Саноаткартонсавдо» ҳиссадорлик жамияти умумий ётоқхонаси)
Навоий кўчаси, 22.
Қорабоғ шаҳарчаси.
Облик шаҳарчаси. Боғ кўчаси

Янгиобод — 2 да:

Бинокорлик материаллари дўкони.

Нуробод шаҳарчасида:

«Универсам» дўкони

Олмалик шаҳрида:

Телеграф ёнида 35 — сонли умумий ётоқхона «Саодат» дўкони

«Лола» дўкони

Оҳангарон шаҳрида:

14 — кичик даҳа, 2 — уй.
2 — кичик даҳа, 14 — уй.

Чирчиқ шаҳрида:

«Баҳор» кинотеатри

Янгийўл шаҳрида:

12 — МКК

Бекобод шаҳрида:

14 — кичик даҳа
11 — кичик даҳа

Бўка шаҳрида:

Босмаҳона

Маълумот учун мурожаат қилинсин:

Тошкент шаҳри.
тел. 98 — 36 — 87
Ангрен шаҳри.
тел. 3 — 57 — 28.

ЖАМОА ФАҲРИ УЛАР

«Янги Тошкент консерва» ҳиссадорлик жамиятида жамоа аъзоларининг аксариятини аёллар ташкил этади, улар катта куч ҳисобланади. Корхонада биронта ҳам жараён йўқки, уларга аёлларнинг қўллари тегмаган бўлсин. Шунинг учун ҳам бу ерда ўзининг фидокорона меҳнати, касбини улғулаши, унга садоқатлиги билан эл оғзига тушган, уларнинг ҳурмат-эътиборини қозонган меҳнатсевар хотин-қизлар кўплаб топилди.

Саодат Бозорбоева шундайларнинг бири. У 32 йилдирки, консервачилар сафида ишлаб келмоқда.

Шу давр ичида ўнлаб шоғирдларга ўз касби сир-асрорларини ўргатди.

Бугун кўпгина шоғирдлари ўзи билан ёнма-ён ишлаб, устозлари ишончини оқламоқдалар.

Тунука банка цехида салкам йигирма йилдан бери узлуксиз ишлаб келаётган мохир ишчи Мунаввара Мақсудова, банка цехининг ҳар томонлама етакчи ишчиси Дилором Ғофурова, томат цехининг фаҳри ҳисобланган Мафират Комилова, шу ерда ҳаёлот меҳнати билан ҳурмат қозонган Шоҳиста Тиллаева ва бошқа ўнлаб, юзлаб консервачи аёллар ҳақида ҳам фақат илиқ сўзлар эшитасиз. Уларнинг ҳаммаси ўз меҳнатидан бахтини топган кишилардир. Бундай фидокорлар жамоа меҳнати натижалари салмоқли бўлиши учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Ҳушбоқ ОМОНОВ.

«Ўзмева-сабзавотузум-саноат» республика уюшмаси раҳбарияти ва жамоаси «Янги Тошкент консерва» ҳиссадорлик жамияти раиси

Озод Аъзамович Хўжаевнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қиладди.

ҚАРОР ВА ИЖРО

**ФУТБОЛИМИЗ
НУФУЗИНИ ОШИРАЙЛИК**

КЕЧА Ўзбекистон футбол федерациясида оммавий ахборот воситалари, телевидение ва радио спорт журналистлари билан матбуот конференцияси бўлиб ўтди.

ЎЗБЕКИСТОН футбол федерацияси президенти З. Алматов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принципларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори севимли спорт турларидан бири бўлган футболни янада ривожлантириш, унинг моддий базасини мустаҳкамлаш, муносиб ўринбосарлар тайёрлаш, умуман, Ўзбекистон футболининг нуфузини ошириш йўлида муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади. Федерация президенти Республика ҳукуматининг 1993 йил 18 майдаги «Ўзбекистон Республикасида футболни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори талаблари ўз вақтида ва тўлиқ бажарилмаганлигини таъкидлаб, янги қарор қатта қизқиш билан қарши олинганлигини, уни жойларда бажариш учун тегишли чора-тадбирлар қўрилиши зарур эканлигини айтиб ўтди.

Йиғилишда олий ва биринчи табақа жамоалари маҳоратини ошириш, жойларда ўтказиладиган ҳар бир ўйинга байрамона тус бериш, стадионлардаги шарт-шароитларни яхшилаш, клублар билан тренер ва ўйинчилар ўртасида тузилган контрактлар халқаро стандартларга мувофиқ бўлиши учун дастлабки тадбирий чоралар қўрилаётганлиги қайд этилди.

Бундай буён вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлари футбол федерациялари раислари ва клуб президентлари ҳисобланадилар. Клубларни келажакда ўз-ўзини таъминлашга ўтиш, бунинг учун аввало ҳар бир футбол учрашувининг савиясини ошириш, ҳо-

милар топиш, бу ишга корхона ва ташкилотлар, қўшма ва хорижий фирмаларни жалб этиш, спорт кийимлари ва клуб белгиларида уларнинг турли реклама эмблемаларини шартнома асосида фойдаланиш футболни янги босқичга кўтаришда муҳим омиллардан бири эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Олий табақа жамоалари учрашувлари ўтказиладиган ўйингоҳлар жаҳон талаблари даражасида бўлиши лозим. Ана шу мақсадда бир қатор ўйингоҳларда тезкорлик билан қайта қуриш ишлари бошлаб юборилди. Жумладан, бош ўйингоҳ ҳисобланган «Пахтакор» стадиони жадал суръатда қайта таъмирланмоқда. Фарғонадаги 15 минг ўринли марказий ўйингоҳ кенгайтириляпти. Яқин орада у 30 мингдан зиёд томошабинни ўз бағрига олади. Қатор вилоятларда, жумладан, Тошкент шаҳрида янги ўйингоҳлар қуриш режалаштирилмоқда.

Спорт шундай кучки, унинг бир вақили ёки бирор жамоасининг эришган галабаси ўша мамлакатнинг довуғини бутун дунёга машҳур қилишда қатта наф келтириши мумкин.

Матбуот конференциясида қатнашган Тошкент шаҳар ҳокими К. Тулаганов, Ўзбекистон жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Б. Махситов, республика футбол федерацияси бош қотиби З. Курбонов, Ўзбекистон Президенти девонининг масъул ходими М. Аҳматов ва бошқалар журналистларнинг саволларига батафсил жавоб қайтариб, Ўзбекистон футболининг нуфузини жаҳон талаблари даражасига кўтариш учун биргаликда ҳаракат қилишга даъват этидилар.

Шарофиддин УМУРЗОҚОВ.



Болалик... Бу мурғак ёшда ким ҳам байрамларни севмаган дейсиз?! Айниқса, кечалари билан ухламай, байрам тонгини сабрсизлик билан кутган, ойижонисини ҳоли-жонига қўймай, чиройли қўйлақлар тикдириб, уни ойна олдида неча бор кийиб кўрган болакайларнинг қувончи ўзгача бўлади. Мана бу суратта қаранг-а! Жажжи ўғил-қизларнинг юзларидаги завқ-шавқни, ҳаяжонни кўриб, беихтиёр: «Шуларнинг бахтига юрт омон бўлсин, кўрганларимиз фақат байрам бўлаверсин!» дейсиз.

Даврон АҲМАД сурат-лавҳаси.

ИККИ ОНАЛИК ЎФИЛЛАР, ИККИ ЎФИЛЛИК ОНАЛАР

Сандра Доукис ва Маргарет Клинтон-Паркер (ЖАР) жуда гаройиб ҳодиса туфайли танишиб қолишди. Яқинда маълум бўлишича, улар бир неча йилдан бери бегона болаларни тарбиялаётган эканлар.

«Нэшнл инквэйрер» газетасининг хабар беришича, бу хато 1989 йилнинг 17 февралда Жанубий Африканинг кичкина шаҳарларидан биридаги туғруқхонада содир бўлган. Худди шу кун иккита 33 ёшли турмушга чиқмаган аёллар уғил қуришди. Ва ҳеч ким сезмаган ҳолда, бехосдан болаларнинг рақам ёзилган нишонлари алмаштириб қўйилди. Шундай қилиб Маргарет уйига Сандранинг ўғли билан қайтди, унга Гэвин деб исм қўяди. Сандра бўлса Маргаретнинг ўғлини олади ва Робин деб атайдди.

Улар бу чигаллик ҳақида анча кеч хабар топишади. Фақат икки йилдан кейингина Маргарет ўғлининг отаси деб ҳисоблаган эркекни судга бериб, унинг оталик ҳуқуқини тикламоқчи бўлади. Шунда тиббий тестлар фақат отаси эмас, балки унинг ўзи — онаси ҳам болага етти ёт бегона эканлигини кўрсатади.

Текширишлар, суриштиришлар бошланади. Ниҳоят ҳаммаси аниқланди.

Энди нима қилиш керак? Ҳақиқатни тиклаб, болаларни алмашти-

Шунақаси ҳам бўлади

риб олишса ҳам бўларди. Лекин...

— Нима бўляпти, ўзи? — деди эсини йўқотаётган Сандра Доукис. — Мен боламни икки йилдан ортиқ боқиб тарбияладим. Энди кимгадир бериш?!

— Нима фарқи бор, ким туққанини? — дерди Маргарет Клинтон-Паркер. — Мен ўз ўғлимни (ҳа, ҳа, ўз ўғлимни) бировга ҳеч ҳам беролмайман. Гарчи унинг ҳақиқий, қондош онаси бўлмасам ҳам.

Масаланинг бошқа томони ҳам бор эди, яъни бу икки хонимнинг топиш-тутиши ҳар хил эди. Мар-

гарет ўзини тутиб олган, маблаг итарли. Сандра эса фақат маошга қараган, оддий банк хизматчиси эди, холос...

Ниҳоят бу чигал воқеани ҳал қилишда аёлларгагина хос бўлган хушёрлик ва кўнгилбўшлик ёрдам берди. Иккала оналар ҳам ўзлари учун энг тўғри йўлни топишди. Болаларни алмаштирмаслик, балки оилавий дўст бўлиш, борди-келди қилиш ва ҳар бир нарсда бир-бирларига яқиндан ёрдам беришлик. Болалар бўлса оналарининг қарорларидан анча олдинроқ ўртоқ бўлиб олишган эди. Улар яқинда етти ёшга тўлишади. Табиат мўъжизасини қарангки, Гэвин билан Робин худди икки томчи сувдек бир-бирларига ўхшашади. Ҳамма уларни ҳақиқий ака-укалар дейди. Улар ўзлари ҳақидаги ҳамма гапдан хабардор. Оналари айтиб беришган.

— Хуллас, Маргарет иккала-мизда иккитадан ўғил бўлди, — дейди Сандра. — Ўғилларимизда эса — иккитадан она.

Ҳамма нарсанинг яхшилиги билан тутагани қандай яхши-а.

Янги томоша

«ЖИНОЯТ УСТИДА УШЛАНСИН»

Ҳамза номидаги ўзбек академик драма театри ижодий жамоаси Ҳайдар Муҳаммадининг милиция ҳаёти ахс эттирилган «Жиноят устида ушлансин» драмасини икк бор томошабилар ҳукмига ҳавола этди.

Асарни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Марат Азимов сахналаштирди.

Жиноятчилик ва унинг уюшган турларига қарши кураш, жамоат тартиби ва ҳавфсизлигини сақлаш борасида сидқидилдан меҳнат қилиб келаётган милиция ходимлари фаолиятига бағишланган мазкур асар премьерасига театр муҳлисла-

ри билан бирга Ички ишлар ва Адлия вазирликлари, ходимлари, Ички ишлар академияси тингловчилари, олий ҳарбий билим юрталарининг талабалари, Тошкент шаҳри ва пойтахт вилояти ички ишлар бошқармаларининг вакиллари келди.

Томошадан сўнг вазирлик ходимларининг театр ижодий жамоаси билан учрашуви бўлди.

Кейинги йилларда Ички ишлар вазирлиги театр билан маданий алоқаларни мустаҳкамлашга қатта эътибор бермоқда. Театр тарбиявий ишларни такомиллаштириш, ходимларнинг санъатта бўлган кизиқишларини оширишга қаратилган оммавий тадбирлар ўтказишда фаол иштирок этаётгани учун вазирликнинг фахрий ёрлиги билан мукофотланди, «Жиноят устида ушлансин» спектаклида қатнашган бир гуруҳ ижодкорлар эса эсдалик совғалари ва пул мукофотларига сазовор бўлди.

**Б. МАНСУРОВ,
ЎЗА МУХБИРИ.**

Билиб қўйган яхши

ЎЙИНГИЗДА ДОРИ БЎЛМАСА...

ШАМОЛЛАГАНДА

- Ковурилган унга қайноқ сув солиб ичсангиз шамоллаганда дардингиз энгиллашади.
- Бир неча дона картошкани пўсти билан қайнатиб эзинг ва унга бир ош қошиғида ўсимлик мойи, бир-икки томчи йод қўшиб аралаштиринг. Сўнг томоқ ва кўкрагингизга юпка сочиқ ёпиб, устидан бояғи аралашмани қўйинг. Шарф билан компресс қилгандай ўраниб олинг-да, картошка совигунча қўзғалманг.

ИССИГИНГИЗ КЎТАРИЛГАНДА

- Лавлагини қирғичдан ўтказиб, майда қилиб тўғралган пиёз билан аралаштириб товонингизга босинг.
- Тиззангингизни тагига совуқ сувни шишада қўйинг.

ТОМОГИНГИЗ ОФРИГАНДА

- Карам шарбатига бироз шакар қўшинг ва бир чой қошиқдан кунига беш-олти марта ичинг.
- Алоэнинг баргини янчиб, докадан сузинг. Унга баравар миқдорда илитилган асал қўшиб бир ош қошиғида кунига уч марта ичинг. Тумов бўлса бурнингизга шу шарбатдан томизинг.

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ
TOSKENT HAQIQATI

Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Мухаррир
Фотҳиддин
МУҲИДДИНОВ

Матбуотнинг
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Шалфолар:
хатлар ва оммавий
ишлар бўлими: 33-40-48
Эълолар:
33-99-15, 36-57-27.

• Мақолалар, эълон ва бидирувлардаги факт ҳақида далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, редактор ва эълон берувчилар масъулдир.
• Қойдаланилмаган мақолаларга эътибор жавоб қайтарилмайди.